

Япониянинг номдор университетларидан бирида грант асосида таълим



Нагоя университети вакиллари Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги билан биргаликда Ўзбекистон ҳамда Япония давлати ўртасида таълим тизимини янада мустаҳкамлаш мақсадида магистратура ва докторантура босқичлари учун қатор таълим грантлари тўғрисида презентация кўринишида маълумот беришни режалаштирган.

Мазкур йиғилиш жорий йилнинг 5 ноябр соат 11.00 дан 13.20 гача Тошкент бизнес марказининг 11 қават “Суғдиёна” мажлислар залида бўлиб ўтади. Унда Япониянинг қатор номдор ОТМлари жумладан: Нагоя университети, Халқаро Осиё-Тинч океани университети, Нагоя иқтисодиёт университети, Нанзан университети, Тейкё университети, Токия метрополитан университети, Токия қишлоқ хўжалиги ва технология университети, Осиё-Тинч океани университети, Тсукуба ҳамда Вакаяма университетлари иштирок этади.

Шу муносабат билан йиғилишда иштирок этишни истаган институтимиз бакалавриат, магистратура ҳамда ёш илмий изланувчиларини таклиф этиб қоламиз.